
ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Статистик маълумотларга кўра, республикада сўнги уч йил ичида кузги-қишки иситиш мавсумида содир бўлган фавқулодда вазиятларнинг аксарияти ис газидан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ. Маълумки, ис газининг рангсиз, ҳидсиз, заҳарли бирикма бўлиб, табиий газ, ёқилғи, кўмир, ўтин чўғлари тўлиқ ёнмаслиги оқибатида ҳосил бўлади. Тутун таркибида 3%, ишланган газда 13%, портловчи газлар таркибида эса 50-60% гача ис газининг бўлиши мумкин.

Ис газидан шомоллатиш тизими яхши ишламайдиган органик моддаларни ишлаб чиқарадиган корхоналарда, автоуловлар турар паркларда, янги бўялган ва шомоллатилмаган хоналарда, шунингдек уй шароитларида табиий газ чиқиб турганда ва печка билан иштирок қилган уйлар, ҳаммомларда, дам олиш палаткаларида ёнувчи моддаларнинг тўлиқ ёнмаслиги натижасида заҳарланиш мумкин.

Ис газининг организмга нафас аъзолари орқали таъсир этиши. Ушбу газ гемоглобин билан кислородга нисбатан 300 мартаба кучли бирикма - карбоксигемоглобин ҳосил қилади. Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти кескин пасайиб, гипоксияга, оғир ҳолатларда эса - аноксияга олиб келиши ҳамда шу тариқа инсон ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Таҳлилларга кўра, ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг аксарияти қуйидаги сабабларга кўра юзага келмоқда:

Фуқаролар томонидан газ ва муқобил ёқилғи (кўмир, ўтин ва бошқа) турларидан фойдаланишда хавфсизлик чораларига риоя этмаслик;

Ностандарт (қўлбола ясалган) ёки сертификатга эга бўлмаган иситиш печлари ва анжомларидан фойдаланиш;

Иситиш печларининг дудбуронларини нотўғри ўрнатиш;

Газ ёки бошқа муқобил ёқилғига мослаштирилган иситиш печлари (анжомлари)ни дам олиш (ухлаш) хоналарига олиб кириш;

Ҳаво алмашмайдиган хоналарни иситишда очиқ олов (кўмир ва ўтин чўғлари)дан фойдаланиш;

Ҳавони алмаштирувчи шомоллатиш шахталари ёки туйнукларни беркитиб (тўсиб) қўйиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган сабабларга кўра иситиш учун фойдаланилаётган ёқилғи (газ, кўмир, ўтин ва бошқа)ни чала ёниши натижасида ис газининг ҳосил бўлиши.

Юқоридаги сабабларни келиб чиқишига йўл қўйманг. Ис газидан заҳарланишдан огоҳ бўлинг.

С.АБДУРАҲМОНОВА,

Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқамаси Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ўқитиш маркази ўқитувчиси.

А.СОТВОЛДИЕВ,

Ёзёвон тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ФВДТ ва ФМ бўлинма бошлиғи.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2020-10-11 10:54:34